

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМЛАРИДА ФОЛЬКЛОР
РАҚСЛАРНИНГ ЎРНИ

Мирходжаева Саодат Шовкат қизи

Ўзбекистон давлат хореография академияси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6568501>

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада умумхалқ байрамларининг асоси фольклор рақсларига боғлиқлиги, қадимий урф-одат ва анъаналаримизнинг сақлаб қолиниши ва шаклланишидаги асосий омиллар ҳақида фикр юритилган. Бинобарин, ўзбек рақс санъатининг ўзига хос жиҳатларига эга эканлиги ҳамда фольклор рақсининг ривожланиш жараёни ҳақида алоҳида маълумотлар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: Санъат, анъана, урф-одат, Бойсун, Чавқи, МоҳиСитора, рақс услуги, фольклор.

Маданият ва санъат соҳасининг ривожини ўз-ўзидан жамият ривожига, жамият ривожини эса мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Инсон маънавиятини юксалтирадиган, унинг руҳий оламини поклайдиган, эзгу амалларга йўналтирадиган энг муҳим омил бу албатта санъат ҳисобланади. Ҳар бир яратилган ва яратиладиган санъат асарлари инсонни улуғловчи, унинг орзу-умидлари, ҳис-туйғулари, ўй-кечинмаларини бадиий тарзда ифода этади. Тарихий тараққиёт жараёнларидан бизга маълумки, ҳар бир даврда яратилган санъат намуналари ўша давр муҳитига ҳамоҳанг бўлган. Жамият ва давлатларнинг тараққий этиши билан санъат ҳам турли йўналиш ва турлар билан бойиб борган.

Бугунги кунда миллий маданият, урф - одат ва анъаналар замиридан узоқлашиш ҳолатлари миллий қадриятлар тизимига жиддий хавф солмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда глобализмнинг жиддий хавфи “оммавий маданият” унсурларини тоборо кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда. Бундай вазиятда санъат ва маданият орқали инсон қалбини поклаш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.



Зеро, “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор”.¹

Ўзбекистонда XIX аср ва XX аср бошида меҳнат ва маросим билан боғлиқ бўлган, шунингдек, тоғлилар орасида расм бўлиб келган қадимий ўйинлардан ташқари халқ – профессионал рақс санъати ҳам мавжуд бўлиб, унда кўпгина хусусиятлар билан бири-бирдан кескин фарқ қилиб турувчи Фарғона, Бухоро, Хоразм услуб ва мактаблари қарор топди. Ҳар бир рақс мактабларнинг вужудга келиши, шаклланиши, ўзининг муайян бир кўриниш ва қонуниятга эга бўлишида халқ фольклорининг, шунингдек, балетмейстерлар, замоннинг зўравон мафқураси томонидан таҳқирланган раққос ва раққосаларнинг хизмати беқиёсдир. Рақс услуби ва мактаблари бир-бирига таъсир кўрсатиб, бир-бирлари билан ижодий ҳамкорликлар натижасида ривожланди ва маълум бир тартибга келган назарий билимларга эга бўлди.

Урф-одат, маросим, байрам анъаналарнинг таркибий қисми ҳисобланади. Инсон ҳаётида бўлиб ўтаётган муҳим воқеа ёки турмушда бурилиш ясайдиган катта “нуқталар”ни нишонлаш, белгилаш эҳтиёжи маросимларни келтириб чиқарган бўлса ажаб эмас. Кейинчалик буни авлодларнинг такрорлаб туриши одатга, одатдан эса анъанага айланиб қолишига олиб келган. Шу тариқа ҳар бир миллатнинг ўзига хос анъаналар силсиласи шаклланган. Ушбу анъаналарда ўша халқнинг келиб чиқиш тарихи, дунёқараши, маданияти акс этиб туради. Анъана - жамоа ижодкорларининг маҳсули, шу билан бирга халқ тафаккури билан яралган турли маънавий қадриятларнинг жамоавий ҳолда сақлаб қолишнинг ҳам ўзига хос шакли ҳисобланади. Бинобарин, маънавий қадриятларнинг авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб яшаши анъана ёки анъанавийликдир. Ўзбек халқи анъаналари жуда қадимий бўлиб, уларда аждодларимизнинг кураши, меҳнати ҳамда турли соҳаларда эришган маънавий ва маданий ютуқлари ўз ифодасини топган. Қадимдан такрорланиб, муттасил давом эттириб келинаётган анъаналаримиз миллий қадриятларимизнинг таркибий қисми ҳисобланади.

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий юксалишининг мустаҳкам пойдеворидир. “Халқ сўзи” газетаси, 2017, 4 август.



Санъат асарининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг қадри, баҳоси ҳеч қачон ҳажм, сон, миқдор билан ўлчанмайди. Чунки санъат ўлчови маҳорат даражасининг юксаклиги, бадиийликнинг мукамаллиги билан белгиланади. Аввало, ҳар бир санъат намунаси, санъат асари инсон яратган мўъжиза ҳисобланади. Асарга қўйиладиган талаб ундаги кашфиёт, унинг олий даражадаги маҳсулот экани билан белгиланади.

Бинобарин, фольклор санъатига мансуб асар ҳам шакли, мазмуни, ижроси, унда ифодаланган ҳаёт тасвири билан бизда ҳайрат туйғусини уйғотмоғи лозим. Агар ана шу ҳайратни айнан қандай фазилатлар ҳосил қилишини билиб олсак, фикр юритиш йўналишимизда аниқ мулоҳазалар пайдо бўлади, балетмейстер сифатида сахналаштираётган рақсимизнинг қадри янада ошади.

Шу мақсадни назарда тутиб, аввало, рақс санъатига, хусусан, фольклор рақсларига қўйиладиган асосий талабларни мухтасар шаклда ўрганиб чиқишимиз шарт. Зеро, рақс санъати билан ўз ҳаётини боғлаган шахс исталган рақс йўналишлари намуналарини тарихи билан танишиши, унинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаши зарур. Фақат ёдимиздан чиқмаслиги лозимки, фольклор рақсларни сахналаштиришда ўз олдимизга фольклор санъат талабларидан келиб чиқиб, тарихий асосларга таянган ҳолда мазмун жиҳатдан тўлақонли асарлар ярата олишимиз керак.

Бизга маълумки ҳар бир жанрда яратилган асарлар муайян шакл ва мазмунга эга бўлиши талаб қилинади. Бу талаб ҳамиша шаклнинг мазмунга мутаносиб бўлишини тақозо этади. Одатда, шакл қанчалар ихчам, мазмун қанчалар кенг қўламга эга бўлса, асар шунчалар қадрлидир. Албатта, ҳар бир халқнинг ўз миллий хусусияти, миллий табиати, яъни миллий менталитети мавжуд. Аммо бу миллийлик бадиий адабиётда умуминсоний муаммоларнинг акс этишига мутлақо салбий таъсир кўрсатмайди. Чунки ер куррасининг турли минтақаларида яшайдиган, турли динларга ишонувчи халқларнинг ҳаётий муносабатларида муштарак нуқталар жуда кўп. Ҳар бир миллатда Ватан, халқ, ота-она, ака-ука, опа-сингил, ўғай ота, ўғай она, устоз, шогирд каби тушунчалар бор. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг асосини адолат, андиша, ҳақиқат каби тамойиллар белгилайди.



Мана шу умумиллий жиҳатларни ўзида жо қилган фольклор рақсларни яратиш чин маънода янгилик бўлади, десак янглишмаймиз. Бундай кенг маъноли рақслар билан дунё ҳамжамияти санъат ихлосмандларини ҳам эътиборини жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Чунки, рақс тил ва миллат танламас санъатлардандир. Хусусан, фольклор рақслар юқорида таъкидлаганимиз каби умумиллий тушунчаларни ўзида жам қилган ҳолда яратилар экан биз бу санъатимиз билан ҳам бутун дунёни яна бир бор ҳайратга солишга сазовор бўламиз.

Бинобарин, Республикамиз ва жаҳоннинг кўплаб давлатларига ўзбек халқ санъатини, хусусан, фольклор рақс жанрини танитишга эришган “Бойсун”, “Чавки”, “Моҳи ситора” каби фольклор-этнографик ансамбллар шулар жумласидандир. Биргина мисол қилиб олсак, “Бойсун” ансамбли ЮНЕСКОнинг репрезентатив рўйхатига киритилиши фикримизнинг айтилиши далилидир. Бугунги кунда Наврўз байрами учун рақслар сахналантиришда фольклор-этнографик ансамбллар халқ рақс анъанасининг муҳим хусусиятларидан бири бўлмиш сюжетли рақслардан фойдаланишга жиддий эътибор бериши лозим. Чунки сюжетли рақс оммавий тадбирлардаги театрлашган композициянинг эпизодларини бир-бирига боғлаб юбориши табиийдир. Фольклор ансамбллар фаолиятини тарбиявий жараён дейишимиз мумкин. У инсон тарбиясини ҳар томонлама қамраб оладиган комплекс ишдир. Хилма-хил тарбия соҳалари, шу жумладан, эстетик, ахлоқий, маданий тарбия соҳаларини узвий ҳолда олиб боради. Шунинг учун ҳам, фольклор-этнографик ансамбллар раққосаларидан шунчаки, номигагина ижро этиб томошабиннинг вақтини олиш эмас, балки эстетик дидли, нафосатга етакловчи, маънавиятини ривожлантирувчи шахс бўлиши талаб этилади.

Фольклор-этнографик ансамблларида ижодий ва тарбия соҳалари узвий боғлиқ ҳолда олиб борилгандагина баркамол авлодни вояга етказиш, томошабиннинг халқ санъатига бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин. Бугунги кунда вилоятларда фольклор-этнографик ансамблларга эътибор янада кучайтирилса, мазкур санъатимизни келажак авлодга етказишга янада кўпроқ ғамхўрлик қилинса айтилиши мумкин бўлар эди.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг айтиши шундайки, бу эзгу мақсадларни илгари сургани ҳам бежиз эмас. Бош мақсад халқ фаровонлиги билан бирга Ўзбекистонни ҳар тарафлама



ривожланган, иктисодиёти ва сиёсати барқарор, маданияти юксак, санъати бетакрор давлат сифатида дунё эътироф этишига эришишдир. Президентимиз 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида тўғри таъкидлаганидек, **“Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.**

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз”².

Бу борада олиб борилаётган ислохотлар, қатор Қарор ва Фармонлар ҳамда уларнинг ижросидаги шаффофликни таъминлашни ҳар бир соҳа вакиллари ватанпарварлик туйғуси билан фарзандлик бурчимиз дея англашлари, зиммасидаги юксак шарафли вазифа эканини доимо ҳис этишларини таъкидлайдилар.

Ушбу эзгу мақсадларга эришилишида энг самарали тарғибот ишлари албатта санъат ҳисобланади. Санъат асарлари орқали ҳар қандай эзгу ғоя ва мақсадлар жамиятимиз онгига қалби ва руҳига, кундалик турмуши, ижтимоий ҳаёт тарзига тезроқ кириб бориши ҳеч кимга сир эмас албатта. Халқимиз қалбига жуда яқин бўлган фольклор санъат намуналарини эзгу ғоялар: ватанпарварлик, ҳалоллик, виждонийлик, гўзаллик, меҳр-муҳаббат, садоқат каби инсоний фазилатлар йўғрилган рақсларни яратиш билан кўзланган олий мақсадларга хизмат қилган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий юксалишининг мустаҳкам пойдеворидир. “Халқ сўзи” газетаси, 2017, 4 август.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2020, 25 январь.



2. Маҳмуд Саттор “Ўзбек удумлари”. Тошкент, “Фан”. 1993.
3. Муродов М. “Ўзбек қадриятлари” 1-китоб, Тошкент “Чўлпон” нашриёти, 1996.
4. Сайфуллаева Д., Казакбаева З. Ўзбек рақс санъати тарихи ва рақс саҳналаштириш сирлари. - Т: Voris, 2006.
5. Усмонова Ф. Баҳор маликаси.–Тошкент: F.Ғулом нашриёти,
6. Қодиров М. Томоша санъатлари ўтмишда ва бугун. III –жилд.- Тошкент: Мумтоз сўз, 2011.